

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
16 сентябрь
ШАНБА

№ 76 (13024)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ва вилоятлар ҳокимликлари 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар томонидан мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш лицензия асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтидорли болалар ва истеъодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбиянинг юқори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш;

соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда сифатли ва омабоп таълим олишнинг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш;

илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижавийликни ошириш.

3. Белгилансинки, нодавлат таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар:

ўз фаолиятини давлат таълим стандартлари ва талаблар асосида амалга оширади;

амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилган ҳолда юқори малакали педагог ва бошқа кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;

ўқиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонлардан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан ўзаро муносабат ўрнатади;

ўз фаолиятини аҳолига пуллик таълим хизматларини кўрсатиш, хайрия фондлари ва грантлардан келиб тушган маблағлар, шунингдек, қонунийликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштиради;

битирувчиларга давлат намунасида:

ги таълим тўғрисидаги ҳужжат беради.

4. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқишга қабул қилиши белгилаб қўйилсин. Кейинги йилларда ўқувчиларни бепул (грант асосида) ўқитишни давом эттириш бўйича қарор нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан таълим олувчининг оилавий шароити ва унинг академик натижаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда аҳолига нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бино, объектлар ва иншоотларни давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ўрнатилган тартибда сотишни ташкил этсин.

6. Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар тавсия қилинсин:

таълим жараёнини ўқитишнинг энг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда фанларни чуқурлаштириб ўргатиш йўналишида ташкил этиш;

ўзларига ном танлашда Ватанимизнинг машҳур ва бошқо олимлари, жамият арбоблари исмларидан ўрнатилган тартибда фойдаланиш;

илғор илмий-амалий тажрибани жорий этиш ҳамда чуқурлаштириб ўрганиладиган фанларни чет тилида ўқитиш учун таълим жараёнига хорижий педагог ва мутахассисларни жалб қилиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2018/2019 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир туман (шаҳар)да давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига риоя қилган ҳолда мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган камид биттадан юридик шахсни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга қуйидаги тўловлардан озод қилинсин:

Давоми 2-бетда. ➡

САНОАТ ВА САЛОҲИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

10 минг тонна!..

Бу "Оҳангаронцемент" корхонасида янги ишга туширилган ўтга чидамли гишт ишлаб чиқариш линиясининг бир йиллик қуввати.

Янги қувватнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар бундай лойиҳа мамлакатимиз саноати учун янгилик эканлигини алоҳида таъкидлашди.

□ Хушхабар



Давоми 2-бетда. ➡

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

□ Вилоят ҳокимлигида

Қайд этилганидек, шу йил 23 август куни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясининг қарори билан мазкур кенгаш ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди. Жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда нодавлат но-тижорат ташкилотлар

ва фуқаролик жамия-тининг бошқа инсти-тутларининг маҳал-лий давлат ҳокимия-ти органлари билан ҳамкорлиги самара-дорлигини ошириш комиссиясининг иш-инининг асосий мазмун-мо-ҳиятини белгилай-ди.

Йиғилишда комис-сиянинг йилнинг қол-ган қисмига доир иш режасини янада тўл-дириш ва мувофиқ-лаштириш бўйича билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар ат-рофича ўрганиб чи-

қилди ва ишчи гуруҳ-лар олдидаги вази-фалар, амалга оши-рилаётган давлат гранти лойиҳалари-нинг мониторингинг натижалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун-нинг мазмун-моҳия-тини аҳолига тўла-қонли етказиш, ҳаёт-га татбиқ этиш юза-сидан муайян ишлар амалга оширилаёт-ганини таъкидлаб, бу борадаги сая-ҳара-катларни янада жон-лантириш лозимлиги, ҳали жойларда ишга солинмаётган имко-ниятлар кўпчилиги-га эътибор қаратиш-ди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари Алимардон Қаршиев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

□ Агар огоҳ сен...

Одам савдоси – давр муаммоси. Унинг ечими нималарга боғлиқ? Қандай ҳал этиш мумкин? Дунё аҳли ҳаётига хавф солаётган турли таҳдидларга қарши қандай курашиш керак?

ИНСОН АЗИЗ

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Бўстонлик туманида таш-кил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Вилоят ички ишлар бошқармаси, прокуратура, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлаш бошқар-малари ходимлари ҳамкорлиги-даги тадбир қизгин баҳс-муно-

зараларга бой бўлди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.

Маълумотларга қараганда, вилоятдан узоқ муддатга иш-лаш баҳонасида четга чиқиб кетганларнинг аксарияти қайтиб келган.

Давоми 2-бетда. ➡

БИР ҚАТРА СУВНИНГ ЗАҲМАТИ ВА РАҲМАТИ

Истиқлол йилларида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларига ва шу асосда халқимиз фаровонлигини ошириш, турмушини энгиллаштиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

□ Жараён

Улкан бунёдкорлик ишлари давом этаётган бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам давлатимиз раҳбари юртаётган лойиҳа бўлиб қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етиш-маслигидан азият чекаётгани ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Ҳар йили обихаёт танқислиги ту-файли 1,2 миллион киши турли хил хасталикларга учраётгани, 5 миллион киши эса ифлослан-ган ва сифатсиз сув истеъмол қилишга мажбур экани ҳаёли-миз кўчасига қирмайди.

Бугунги кунда "Тошвилсув-окова" давлат унитар корхона-си томонидан аҳолини ичим-лик суви билан таъминлаш мақ-садида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қандай муам-молар ўз ечимини кутмоқда? Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда ичимлик суви таъ-миноти ва канализация тизим-

ларини комплекс ривожланти-риш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги Қарори соҳадagi ишларни ях-шилашга туртки бўлмоқда. Шу дастур доирасидаги ишларни бажариш учун вилоятга жами 132 миллиард сўм ажратили-ши белгиланган.

Бу йил эса, шу кунга қадар 15 миллиард 988 миллион сўм ҳисобига 9 та ичимлик суви объекти реконструкция қилин-ди. 23 та ҳудуддаги намунали уй-жойларга ва 8 та қурилад-иган хизмат уйларида ичим-лик суви тармоқлари тортиб келтирилди.

Келгуси йилда эса 25 мил-лиард 808 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Аниқроғи, аҳолининг ичимлик суви таъ-минотини яхшилаш учун жой-лардаги 37 та ичимлик суви объектидаги 120 километр қувур, 32 та қудуқ ҳамда 21 та минорани реконструкция қи-лиш режалаштирилган. Бундан ташқари, "Тошвилсувокова" давлат унитар корхонаси маб-садида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қандай муам-молар ўз ечимини кутмоқда? Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда ичимлик суви таъ-миноти ва канализация тизим-

Давоми 3-бетда. ➡

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

ТАҲЛИЛ ОРТИДАГИ ХУЛОСАЛАР

Хабарингиз бор, мамлакатимизда "Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни" деб белгиланган. Унда ички ишлар ходимлари томонидан фойдаланган ва олди олиш жиноятлар ҳақида кенг оммага хабар бериб борилмоқда.

Айтиш керакки, бу жараён ички ишлар ходимларининг ўз ишларига янада масъу-лият билан ёндашиб, вази-фаларини сидқидилдан ба-жаришларига туртки бўлаёт-ти. Вилоят ИИБ ёнгин хавф-сизлиги бошқармасида ўтказилган брифингга шу-лар ҳақда гапирилди. Сўз олганлар ўтган давр мобай-нида амалга оширилган иш-лар, уларнинг ҳафталик, ойлик ҳисоботини берди-лар. Жумладан, жорий йил-нинг август ойида 9 та қасд-дан одам ўлдириш, 22 та қасддан баданга оғир ши-каст етказиш, 8 та номусга тегиш, 3 та босқинчилик, 17 та талончилик, 146 та ўғри-

лик, 67 та фибригарлик, 15 та безорилик, 46 та одам ўлими билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисалари, 38 та гиёҳвандлик ва 117 та бош-қа турдаги жиноятлар содир этилган.

Илгари очилмай қолган жиноятлардан 41 таси фой-даланиш кувонарли. Профи-лактика куни доирасида ма-жбурат рақобат ва ташки-лотлар, таълим муассасала-рида жами 11 минг 350 ма-ротаба учрашувлар ўтказил-ди. Шунингдек, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидида турган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари би-лан 19 минг 628 маротаба суҳбатлар уюштирилди.



Энг муҳими, вилоятдаги 113 та маҳаллада бирорта жиноят содир этилмаган. Олиб борилаётган тушунти-риш ишлари натижасида ви-лоятдаги 772 та оиладаги нотинчликка барҳам берил-ди, ажралиш арафасидаги 346 оила фикридан қайта-рилди.

Профилактик тадбирлар натижасида, қотиллик, қасд-

дан баданга оғир шикаст ет-казиш, номусга тегиш, бос-қинчилик, талончилик, безо-рилик жиноятларининг кама-йишига эришилди.

Жорий йилнинг ўтган дав-рида ўтказилган тезкор тад-бирлар давомида жами 60 та жиноят аниқланиб, 68 нафар шахсга нисбатан иш қўзға-тилган.

Ўтган давр мобайнида ви-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИНОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари), бунда озод қилинаётган маблағлар уларни замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, зарур маҳсулотлар ва жиҳозлар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга бепул таълим хизматларини кўрсатишга мақсадли йўналтирилади;

меҳнат шартномаси асосида таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг ойлик иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заруратдан келиб чиқиб, мактабга ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган янги ўқув асбоб-ускуналар ва ўқув материалларини республикага олиб киришда (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлар бундан мустасно) божхона тўловларидан озод этиш ва уларнинг рўйхатини тасдиқлашни назарда тутибчи Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин.

10. Белгиланган қўйилсинки, юридик шахслар томонидан нодавлат таълим хизматларини кўрсатишда:

чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари-Пенсия жамғармасига ажратилмайдиган тўловлардан тузилган меҳнат шартномаси доира-

сида озод қилинади;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларга икки томонлама авиачипталарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (узоқ мuddатли меҳнат шартномаси асосида – бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) иш берувчи томонидан қопланиши мумкин;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларнинг яшаш жойи учун тўловлар қисқа мuddатли меҳнат шартномаларига асосан (бир ойдан кўп бўлмаган мuddатга) иш берувчилар томонидан амалга оширилади, узоқ мuddатли меҳнат шартномалари доирасида уларнинг яшаш жойи учун тўловлар шартнома шартларига мувофиқ иш ҳақи билан биргаликда тўлаб берилади.

11. Тижорат банкларида мактабга ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга бошланғич маблагни шакллантириш, бино ва иншоотларни сотиб олиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари ва ўқитиш воситаларини сотиб олиш учун 5 йилдан кам бўлмаган мuddатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида ошмайдиган ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар буюртмаларига асосан нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан ишга тақлиф қилинаётган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг кириш визаларини ўрнатилган тартибда консуллик ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси икки ой мuddатда қуйидагиларни белгиладиган ҳукумат қарорини қабул қилсин:

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик самарали механизмларини жорий этиш;

илгор хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари тақомиллаштириш;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахслар фаолиятини назорат қилиш механизмлари; нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятига лицензия бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўшбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 15 сентябрь

НОМЗОДГА
САВОЛИНГИЗ
БОРМИ?

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлган каби, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам қисқа мuddат ичида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Хусусан, судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ташкил қилинди. Бу билан амалда судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш йўлида салмоқли қадам ташланмоқда.

Эндиликда судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнида очкичлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, судьялик лавозимига илк бор тайинланаётган номзодни тўғри ва шаҳар жамоатчилигига тавсия этиб, уларнинг фикри, розилиги олинди. Бу эса, ўз навбатида, судьялик лавозимига тавсия этилган номзоднинг одил судловни амалга оширишдаги масъулиятини ва жавобгарлигини оширади.

Куни кеча Охангарон тумани ва Ангрэн шаҳарларида ўтказилган фаоллар йиғилишида судьяликка илк бор тайинланаётган номзодлар жамоатчилик розилигини олиш мақсадида муҳокамага қўйилди.

Эркин мунозара руҳида ташкил этилган йиғилишларда депутатлар, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, тадбиркорларнинг фикрлари эшитилиб, жамоатчиликнинг муҳокамалари асосида судьялик лавозимига илк бор тайинланаётган номзодларга жамоатчиликнинг розилиги олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши раиси Мафруҳ Усмонов иштирок этди.

Элёр ҲАБИБОВ.

Янги маҳсулот 1100 ҳароратгача чидайди. Қиздириш чоғида ўзининг мустақамлигини сақлаб қолади. Цемент, кимё, металлургия саноатида, шунингдек, камин, печларни қуришда самарали фойдаланиш мумкин.

Айни вақтда Ўзбекистон бозорига юқори ҳароратга бардошли маҳ-

Янги линияда эса бир вақтда 16 та маҳсулот чиқарилаёпти. Агар талаб ортиб, 32 та чиқариш мумкин. Станок битта гиштини 45 секундда тайёрлаб беради. Соатига 1-4 минг дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Сал нарида байхайбат гишт пишириш печи. Печда гишлар 160 соат-

кийимлари, барча ижтимоий муҳофаза тадбирлари йўлга қўйилган.

Шу куни корхона бўйлаб медиа-тур уюштирилди. Асосий хом ашё, яъни оҳақтош қазиб оладиган тоғ конига йўл олди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган "Каптив" тоғ томонга елдек учиб боради. Ёнимизда ўтирган

бўлиб, жараён тўхтовсиз давом этади. Проекторлар ҳудудни тўлиқ ёритиб туради. Буюртмалар кўп. Уларни вақтида бажаришимиз керакда. Хисоб-китобларга қараганда, бу ерда тахминан 150 миллион тонна оҳақтош бор.

Тепага юқорилаймиз. Кўз олдимизда ажиб манзара гавдаланади. Худуд "Фарбий", "Марказий" ва Шоввоз сойга бўлинган. Кафтдек қўрилиб турган қонларда "БелАЗ", экскаваторлар, бульдозерлар тиминсиз ишлаяпти.

Бизни бош маркшейдер Шаҳодат Ниёзова қарши олди. Аёл боши билан бу ерда ишлашнинг ўзи бир хайратланарли. Иш коржомаси опага жуда ярашиб турибди.

Экскаваторчи Бобур Турғунов шу корхонага ишга кирганига 5 йил бўлди. Доим режани ортиги билан бажариб келмоқда. Юзи қизариб, раҳбардан гап эшитганини ҳеч ким кўрган эмас.

Янги линиянинг тантали очилиш маросимида "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамиятидан ҳам раҳбарлар қатнашишди.

Ҳаяжонли дақиқалар. Рамзий тасмалар кесилгач, гишт ишлаб чиқариш бошланди. Оператор Алексей Трогалов старт тугмасини босди. Станок гирилди, ишга тушиб кетди.

Мана, илк гишт конвейердан чиқиб келмоқда.

Корхона директори илк гиштини жамоа музейига қўйишни тақлиф этди. Бу фикр барчага манзур бўлди.

Хуршида ТУРСУНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

САНОАТ ВА САЛОҲИЯТНИНГ
ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

сулотларга талаб йилига 7 минг тоннани ташкил этмоқда. Бу янги технология татбиқ этилиши билан бозорнинг 50 фоиз талабини қондира олиш имконига эга бўлинади.

Келгусида талабга яраша маҳсулот етказиб бериш ҳамда экспортга чиқариш учун йилига 10 минг тоннагача қувватни ошириш режалаштирилган.

Илгари бундай гишт тайёрлаш ускунаси ўзимизда бўлган, – дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Улуғбек Умаралиев. – Унда бир вақтда атиги бир дона гишт ишлаб чиқарилади. Вақт ўтиши билан у талабга жавоб бермай қолди.

Бошланиши 1-бетда.

да 1300 градус Цельсийда пиширилади.

Баҳром Қаршибоев корхонанинг муҳандис-метролог. У ўлчов асбобларини давлат стандартидан ўтказиш, янги-ларини жорий этиш ҳамда ўлчов бирликлари билан таъминлашга масъул. Янги цехда унинг қиладиган ишлари кўп. Республикаимиздаги цемент корхоналари орасида етакчи саналган "Охангаронцемент"да ишлаётганидан мамнун.

– Корхонамизда 1 минг 200 ишчи ва ходим меҳнат қилмоқда, – дейди у. – Бизда ишчилар учун барча шароитлар мўъайё. Ойликлариб ўз вақтида берилади. Иссиқ ва мазали тушлик, иш

ходим корхона тарихи, унинг шу кунга қадар босиб ўтган йўли, эришган ютуқлари ҳақида гапириб кетди. Шу баҳона масофани қандай босиб ўтганимизни билмай қолди. Мазкур корхона 1961 йилда ташкил этилган экан. 2006 йили эса "Евроцемент груп" таркибига қўшилган.

Оҳақтошни корхонага етказиб беришчи транспорт линия тўхтовсиз ишлаб турибди. Тез фурсатда у маҳсулот қўрилишига келтирилиб, мижозларга етказилади.

– Бир суткада 8 минг тоннагача оҳақтош қазиб чиқараямиз, – дейди тоғ-кон цехи бошлиғи Баҳодир Абдуллаев. – Бизда иш 2 сменали

ИНСОН АЗИЗ

Хўш, мўмай даромад илинжида хоригга иш излаб кетганлар кўп ўтмай, яна ортига қайтишига нима сабаб бўлапти? Гап шундаки, "шудгордаги қуйрук"нинг балосини олдиндан кўролмай, бошига минг гавғолар ёғилиб, соғлиғидан, обрў-эътиборидан айрилиб қайтганидан кейингина ўз хатосини тушуниб етиш, сўнгги пушаймон етовида ноилоҳ юртга қайтиб келишига мажбурлик.

Тадбирда мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, фуқароларни одам

савдоси балосидан асраш, унга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.

– "Одам савдоси" – инсон шаъни, кадр-киммати, оёсийишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири экани яхши маълум, – деди Сайёра Файзиёва. – Унинг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва хотин-қизларни тортаётгани барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш

учун 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, муаммага қарши курашишнинг самарали механизми яратилди ва шу асосда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятимиз аҳолисини, айниқса, ёшларни одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш, бу турдаги жиноятнинг муд-ҳи оқибатларидан ҳимоялаш масалалари фуқаролар йиғинлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали ижобий ҳал этилмоқда.



Шунга қарамай, бу савдога дучор бўлаётганлар учраётгани бу масалада хотиржамликка берилиши ҳаққимиз йўқлигини кўрсатиб турибди. Огоҳликка ундовчи чора-тадбирларни амалга оширишда барча ташкилот ва муассасалар, айниқса, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жа-

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг "Нодавлат таълим
хизматлари кўрсатиш фаолиятини
янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги Қарорига шарҳ

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида ёшларга замонавий билимларни бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига қаратилган туб ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол авлоднинг шакллантириш ҳамда ёшларга таълим беришни янги сифат даражасига кўтариш, шу жумладан, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган бошқа фанларни чуқурлаштириб ўрганиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

Хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фуқароларнинг сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқини рўйбга чиқаришга хизмат қилишини кўрсатишмоқда.

Шунинг учун ҳам бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларда нодавлат таълим секторининг умумий ўрта таълимдаги улуши юқори бўлиб, Германияда 12 фоизни, Францияда 17 фоизни, АКШда 18 фоизни, Буюк Британияда 20 фоизни, Испания, Ирландия ва Голландияда 30 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги кунда республикада 43 та нодавлат умумий ўрта таълим мактаби тегишли лицензияга эга бўлиб, халқ таълими тизимидаги 9680 та мактабга нисбатан уларнинг улуши 0,4 фоизни ташкил этади. Нодавлат умумий ўрта таълим мактабларининг аксарият қисми (27 та) Тошкент шаҳрида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида бирорта нодавлат мактаби ташкил этилмаган.

Фаолият кўрсатаётган нодавлат таълим муассасаларидан 20 таси бошланғич таълим (1-4-синфлар), қолган 23 таси умумий ўрта таълим (1-9-синфлар) босқичларига мўлжалланган, улардаги 330 та синфда 6 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олади (давлат мактаблари контингентига нисбатан 0,12%).

ЮНЕСКО ва DGP Research & Consulting консалтинг ташкилоти ҳамкорлигида жалб этилган хорижий экспертлар гуруҳи томонидан миллий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлилларда таълим сифатини яхшилашда рақобат муҳитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат

таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан нодавлат таълим муассасаларига узоқ мuddатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва аввал ажратилган кредитлар мuddатини узайтириш, таълим ва унга тегишли хизматлар бўйича барча солиқ турлари тўловларидан 2021 йилгача озод этиш, фанларни чет тилида чуқурлаштириб ўқитиш ва бу орқали таълим сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига хорижий ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб этиш назарда тутилган.

Ўз навбатида, нодавлат таълим муассасаларига тақлиф этилаётган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларга виза бериш, авиатранспорт, турархой, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ва солиқлардан озод қилиш каби масалалар ҳам ўз ечимини толган.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган ҳолда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқитиш белгиланган.

Бундан ташқари, қарорда ўрнатилган тартибда акредитациядан ўтказилган нодавлат таълим муассасалари битрувчиларига давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат бериш ҳуқуқи назарда тутилган.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга нодавлат таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш, қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича тегишли тартиб ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар киритиш топшириқлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш йўли билан аниқ ва табиий фанлар, чет тилларни чуқурлаштириб ўқитиш ва бу, ўз навбатида, ёшларнинг дунё меҳнат бозорига рақобатбардор ва юқори малакали мутахассис кадр сифатида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини оширишига, баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилсин.

Қарор нодавлат таълим муассасалари сектори кенгайиши, республиканинг ҳар бир туман ва шаҳридаги фуқаролар таълим хизматларидан фойдаланишда танловга эга бўлиши, ёшларга муносиб таълим-тарбия бериш каби вазифаларни ўз зиммасига оладиган малакали хусусий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

КИТОБНИНГ СЕҲРАИ ОЛАМИ

Куни кеча пойтахтимиздаги Фафур Фулом номли истироҳат боғи 3-республика Болалар фестивалига йиғилган ёш китобхонлар билан янги гавжум бўлди.

Фестиваль


Байрамга яхшигина тайёргарлик кўрган ташкилотчилар хечрасида мамнулик. Ахир "совгаларнинг энг зўри – китоб", дея фикри-зикри китобда бўлган ўқувчиларни хурсанд қилишнинг гашти бошқача. Фестивалда 70 дан ортиқ нашриётлар ўларининг турли мавзулардаги, рангбаранг, қизиқарли китоблари билан қатнашишди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан китобхон-

иштирок этишди. "Наврўз"да шу кунгача нашр этилган 40 дан ортиқ китоблар қаторида ижодкор Меҳмон Исмоилқул ўғлининг "Одам дунёга хайратланиш учун келди" номли янги китобининг тақдироти ўтказилди.

Шунингдек, "Ўзбек халқ эртаклари" туркумидан "Сеҳрли сўз" янги китоби ҳам ўқувчилар ҳуқмига ҳавола этилди. Болалар шоири Незмат Душаев, ижодкор Мухайё Раҳимова, филолог олим Раҳимбой Жуманиёзов иштирокидаги қизиқарли суҳбат, мушоира ёш китобхонларга манзур бўлди. Фаол иштирок этган ўқувчилар турли қизқарли китоблар билан тақдирланишди.

Сайёра ЭШМАТОВА.



лари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам бу муаммага қарши курашишда биргаликда ҳаракат қилишлари зарур.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу масалада, аввало, маҳаллаларда олиб борилаётган тарғибот иш-

рида ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, онгу тафаккурини тўғри шакллантириш кераклигини таъкидлаб, ўз фикрларини ҳаётини мисоллар билан асослаб бердилар.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҲОФИРОВ
олган суратлар.

ФЕРМЕРНИНГ ОДДИЙ ФАЛСАФАСИ

Хайрулла Холбоев Куйи Чирчиқ туманидаги ёш фермерлардан. У дастлаб, "Мажнунтол Агро Файз" ҳўжалигини ташкил этганида фермерликнинг заворли юкидан бир оз чўчига эди. Аммо меҳнатдан қолмаган йигит ўша йилнинг ўзидаёқ белгиланган режаларни муваффақиятли бажариб, эътиборга тушди.

Қишлоқ мулкдорлари

Жорий йилда фермер ҳўжалигида мавжуд 58 гектар ернинг тенг ярмига пахта, қолган қисмига эса яхши ният билан галла уруги ташланди. Ҳўжалик раҳбарининг айтишича, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида олиб борилганлиги туфайли галладан режадан ортиқ ҳосил олишга эришилди. Эрта-индин термини бошлашга шай қилиб кўйилган пахтазорлардаги ҳосил чўғи ҳам чакки эмас. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, режа бир теримда уддаланиши кутилмоқда.

Устозларимиз айтганидек, мўл ҳосил олиш учун энг аввало, ерга меҳр бериш керак, — дейди Хайрулла Холбоев. — Бу майдонларда иш бошлаганимизда дала-ларни бегона ўт босган эди. Ҳўжалик аъзоларининг меҳнати, агротехника қондаларига риоя қилиш ҳисобига экинзорлар обод ва унумдор ерга айланди. Натижада, белгиланган режалар ортиги

билан адо этилмоқда. Хусусан, ўтган йилги галла ва пахта бўйича тузилган шартнома 120 фоизга бажарилди. Ўз-ўзидан даромад ҳам шунга яраша баракали бўлди.

Ҳозир фермер ҳўжалигида 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ҳосилдан тушган даромад ҳисобидан ишчиларга маошлари ўз вақтида

бериб борилапти. Шу ўринда айтиш керакки, бу ерда одамлар меҳнати юксак қадрлаб борилади. Инсон қачон меҳнатидан моддий ва маънавий манфаатдорлик сезса, ўшанда унинг ишида унум ва самара бўлади. Шу сабабли, ҳўжаликда ҳар бир аъзога ишига яраша ҳақ берилади, ҳосилдорлик қанчалик юқори бўлса унинг улуши ҳам шунчалик ортиб боради. Энг муҳими, одамлар қилаётган меҳнати ва олаётган маошидан рози бўлишмоқда.

— Истикболни ўйлаган ишбилармон раҳбар бугунги ютуқлар билан чегараланиб қолмайди, аксинча изланиш-

да давом этади. Президентимиз ҳам биздан шундай ишлашни, ҳаракат қилишни сўрамоқда, — дейди фермер. — Ўтган йиллардаги даромад ҳисобидан чопиқ трактори харид қилган эдик. Яқинда яна бир ҳайдов трактори олиш учун шартнома туздик. Оиламиз ҳам кам бўлмапти. Жорий йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомашиналардан бирини харид қилдик. Энди эса имтиёзли кредит асосида берилаётган замонавий, шинам уй-жой олишни ният қилиб турибмиз.

Ҳа, фермер айтмоқчи, ерга меҳр берган кам бўлмайди. Лекин, мўлжалдаги ҳосил ҳам ўз-ўзидан етилиб қолмайди. Бунинг учун ерга қадалган уруғ униб чиққандан, ўсиб, ривожланиб, ҳосилга киргунича сабр-бардош билан меҳнат қилиш керак. Яна бир гап, юқорида таъкидланганидек, қачонки раҳбар одамлар манфаатини ўзиникидан устун қўйса, ўша ерда барака бўлади. Булар ташаббускор, изланувчан ва ғамхўр фермер — Хайрулла Холбоевга ютуқ ва ҳурмат келтираётган оддий, лекин улуг фалсафа.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Газета ва газетхон



Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ташкил этилаётган учрашув ва қабулларда фуқароларимиз ўзларини қизиқтираётган саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилиб, муаммоларига ечим топишмоқда. Бу жараёнда "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳам фаол иштирок этиб келаётган.

Куйида муштарийларимиз томонидан йўлланган мурожаатларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Тез кунларда мазкур муаммоларга мутасаддилар томонидан ечим топилишига ишонамиз.

Яқинда устозимиз Дилафрўз Раззоқова бошчилигида филология фанлари доктори, профессор Исомиддин Ерматовнинг "Илоқ тарихи" китоби билан яна бир бор танишиб чиқдик. Ундан воҳамиз тарихига оид қимматли маълумотларни билиб олдик. Улардан бири — Кўлбулоқ ҳақидаги парча эътиборимизни тортди. Ушбу ҳудуддан ибтидоий одам суяклари ва тошдан ясалган ов қуроллари топилган экан.

КЎЛБУЛОҚ ЧИРОҚЛАРИ ҚАЧОН ЁНАДИ?

Неандертал одамлар яшаган бу манзилда ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб археологик тадқиқотлар олиб борилган. Ўз вақтида жаҳон олимларини ҳайратга солган бу замин таърифни ўқиб, янада қизиқиб қолдик. "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши", дейишади. Биз кўплаб сирлар қалити бўлган мўъжизакор булоққа йўл олдик. Айтишларича, Оҳангарон тумани Увак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига жойлашган Кўлбулоқ археологик ёдгорлиги дунё бўйича аниқланган ибтидоий одамларнинг учта энг қўхна манзилларидан бири ҳисобланар экан.

Йўл учна узоқ бўлмасада, қизиқишимиз туфайли вақт ўтмаётгандек эди. Хар бири-миш бу жойни ўзимизча тасаввур қилиб борардик. Ангрэн шаҳрига қарашли "Соғлом" маҳалласи яқинида жойлашган ушбу манзилгоҳга етиб келгач, очиги кайфиятимиз тушиб кетди: Атрофи симли тўсиқ билан ўралган каттагина ҳудуд қаровсиз қолиб кетган экан. Бир қарашда кўнгалга ваҳима тушади: эски бино харобаси, ўсиб кетган ўт-ўланлар, дарахтлар ва қандайдир йирик тошлар бу ерлар кўндан буён инсон назаридан четда қолганидан далолат беради. Булоқнинг атрофи ҳам кўнгилдагидай эмас. Унинг ичи турли чиқиндилар билан флосланган, ер остидан сизиб чиқаётган сув кўл шаклида тўпналиб, бир томонидан оқиб чиқар, ҳавза четлари эса ўпирилиб кетганди. Шу ҳолича уни яқиндан томоша қилиш хавфли. Булоқдан бир оз нарида

археологлар қазимша ишлар олиб борган майдон ҳам шундоқ қолган. Анчагина чуқур бўлган хандақ очилганига ташлаб қўйилган. Ён-атрофда на бирон оғохлантирувчи белги, на тўсиқ ўрна-тилган. Бу ерга мактаб ўқувчилари ёки қизиқувчи юртдошларимизнинг келиб туриши ҳисобга олинса, манзилгоҳ хавфсизлик қондаларига мутлақо жавоб бермайди.

Одатда, бу каби гўшаларда унинг номи, тарихи ва унга доир маълумотлар ёзиб қўйилган, ҳеч бўлмаса, жой номи акс этган пешлаваҳа бўларди. Кўлбулоқда биз бунинг ўрнига эскириб, занглаб кетган тўртбурчак темир парчасига дуч келдик. У эшик ўрнига ўрнатилган, назаримизда. Бу жой гўё бойликлар олиб кетилган бўш хазинахонага ўхшаб кўринди, бизга.

Саёҳатимиз якунида дўстлар билан: "Қандай қилсак, Кўлбулоқ обод бўлади?", деган саволга жавоб қидирдик. Устозимиз: "Бу ерда хашар уюштириш ва кичик музей ташкил этиш, шу тарихи гавжум масканга айлантириш мумкин", деган фикр-ни айтиди.

Биз, ўқувчи-ёшлар кўхна археологик манзилгоҳ обод масканга айланишини жуда истаимиз. Ахир, бу ерда топилган археологик ашёлар — суяк ва тош қуроллар ажодларимизнинг турмуши, ҳаёт тарзи ҳақида сўзлайди, уни тингламаслик тарихимизга, ўтмишимизга лоқайдлик эмасми?

Отабек БАКИРОВ,
Ангрэн шаҳридаги
27-мактаб ўқувчиси.

10 ЙИЛГА ҚЎЙИЛГАН НАВБАТ

Тахририятимизга Бекобод шаҳри, 14-кичик ноҳия, 70-уй, 28-хонадонда яшовчи Ўткир Мавлонов кўнгироқ қилиб, иш топишда сарсон бўлаётганини маълум қилди. У 2009 йили касб-ҳунар коллежини битирган, мутахассислиги газ ва электр пайвандчиси. Ўзбекистон металлургия комбинатига ишга кириш учун 2007 йил навбатга турган экан. Мана, 10 йилдирки, бу ерга ишга кириши ижобий ҳал бўлмапти. Борса, доим: "Ҳозир янги ходимга талаб йўқ, бўш иш жойи йўқ", деган жавобни олаётган экан.

Ниҳоят, шу йилнинг 17 май куни ўзи ишга кирмоқчи бўлган цех бошлиғи М. Валиев билан учрашиш учун кадрлар бўли-мидан йўлланма олган. Дастлаб, саволларга жавоб беролмай, суҳбатдан ўта олмаган. Кейин унга гаражга йўлланма беришибди. Лекин ў. Мавлонов ўз йўналиши бўйича ишга киришни истаб, иккинчи марта суҳбатга тайёргарлик кўради. Саволларга пишиқ ва пухта жавоб бериб, имтиҳондан муваффақиятли ўтади.

Цех бошлиғи йўлланмага қўл қўйиб беради, шартнома тузилади. Кейин цех бошлиғи уни кадрлар бўлимига жўнатади. У ердаги Баҳром деган ходим: "Сен аввалги сафар имтиҳондан ўта олмагандан, қандай қилиб ўтдинг, балки пул бергандирсан?", деб йўлланмага қўл қўйиб беради. Шундай қилиб бу сафар ҳам омад ундан юз ўғирди.

— Турмушим бўлмаган, бир фарзандимга алимент тўлайман, — дейди Ўткир. — Ўзимга мос иш топа олмай, қарзга кириб қолдим. Сарсонгарчиликнинг ҳам чегараси бордир ахир?! Шундай катта корхонада иш топилибмаса...

Муштарийимиз тез кунда ўзига мос иш топади, деб умид қиламиз.

БИР ҚАТРА СУВНИНГ ЗАҲМАТИ ВА РАҲМАТИ

иктисодий асослар ишлаб чиқилди. Бу лойиҳада бир кеча-кундузда 105 минг куб метр сув олиш қувватига эга иншоот ва 20 та сув тақсимлаш объектини қуриш ҳамда 15 тасини реконструкциялаш кўзда тутилган. Натижада, 480 минг аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг таъминоти яхшиланади. Мазкур қурилиш ишлари 2017-2022 йилларга режалаштирилган.

Ҳозирда "Тошвилсуб-оқова" корхонаси 308 минг 778 та мижоз, жумладан, 300 минг 399 та жисмоний шахсга хизмат кўрсатмоқда. Шу кунга қадар 130 мингдан зиёд сув ҳисоблагичи ўрна-тилган. Буни қарангки, қилинаётган шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, вилоятда сув учун тўлов бўйича умумий қарздорлик 16 миллиард 183 миллион сўмга етган. Шундан 6 миллиард 633 миллион сўми аҳолига тегишли. Демак, айрим одамларда тўлов маданияти хануз оқсамокда. Агар ишлатилган сув ҳақини ўз вақтида тўламас-ларга соҳада қанча муаммо-ларга сабаб бўлишини англаб етишганимиз... Қувурлар бундай яроқсиз ахвол-га келмас, айрим ҳудудларда одамлар тоза ичимлик

суви танқислигидан азият чекмас эди.

— Баъзида кўча-кўйда жўмрақлардаги сув беҳудадан оқиб-бўқиб қўйилганини кўрсам, асабим дош бермайди, — дейди бекободлик 70 ёшли онахон Нури Абдуллаева. — Одамларимизда сувни исроф қилиш одати қачон пайдо бўлди экан-а? Ахир, сувнинг томи-чиси ҳам сув-ку. Уни асраб-авайламасак, биздан кейинги авлод олдига қандай жавоб берамиз? Мен доим фарзандларим ва набира-ларимга бу бебаҳо неъмат-нинг қадрига етишни ўқти-ришдан қарчамайман.

Маълумотларга кўра, Ер юзининг тўртдан уч қисми сув билан қопланган бўлса-да, унинг атиги 6 фоизи чўчүк сув ҳисобланади. Шундан 2,5 фоизи истеъмол учун яроқли бўлиб, асосий қисми табиатда муз ҳолида учрайди. Демак, ичимлик сувини эҳтиёт қилиш, ундан оқилона ва тежаб фойдала-ниш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Зеро, биз наинки ўзимизни, балки фарзандларимиз, келажак авлодимизни ҳам ўйлайди-ган халқимиз.

Хурида ТУРСУНБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Истеъмолчи бурчаги

Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳудудий бирлашмасининг ишонч телефонига Юқори Чирчиқ тумани, Жумабозор қишлоғи, "Арганчи" маҳалласи, Тафаккур кўча-сида яшовчи Дурдона Юсуповадан мурожаат келиб тушди.

85 МИНГ КЎЧАДА ЁТМАЙДИ

У Зангиота туманида жойлашган "Бек-барака" савдо мажмуасининг 71-дўкан таш-қарисидан 85 минг сўмга эр-кашлар шими харид қилганли-ги ва у сифатсиз эканлигини айтган. Унинг пулини қайта-риб олинишида амалий ёрдам сўраб қилган мурожа-ати жойига чиқиб ўрганилди. Истеъмолчи Д. Юсупованинг пули ходимларимиз ёрдами-да қайтарилди.

Б. ҚУВОНДИҚОВ,
жамият ҳуқуқий
сектори бошлиғи.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган академик лицей, касб-хунар коллежлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон қарори билан тасдиқланган 50-иловасига му-вофиқ 3-та'лим (О'МКНТ) shakli академик лицей, касб-хунар коллежларининг 2017/2018 ўқув йили бошига йиллик давлат статистика ҳисоботини — Давлат статистика органларида 2017 йилнинг 5 октябрдан кечиктирмасдан интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдалан-ган ҳолда тақдим этишини юзасидан огоҳ-лантириб ўтаемиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон қўринишда йиғишни автоматлаштирилган ти-зими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзо-дан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисо-ботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзе-бекистон Республикаси Давлат статистика қўми-тасининг www.stat.uz расмий веб сайтдан оли-шини мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумот-ларни тақдим этишмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тарти-бини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш му-ддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексин-инг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

3-та'лим (О'МКНТ) shakli йиллик давлат статис-тика ҳисоботини тўлдириш бўйича батафсил маълумотларни (0-371) 230-86-81 телефон ра-қами орқали олишини мумкин.

Тошкент вилояти
статистика бошқармаси.

Саломат бўлинг

Шифокор кўригига келган Нодира қизининг дармонсизлигидан шикоят қилди. — Эрталабдан бери на еди, на ичди, бошим оғрияпти, деб ҳатто, ўрнидан туролмади, — деди она фарзандининг соғ-лигидан ташвишга тушиб. — Тана ҳарорати жойида. Лекин, кўз

қорачиғи кенгайибди...

Текширувлардан сўнг Мафтунага бо-тулизм ташхиси қўйилди. Маълум бўли-шича, қизалоқ тузилган бодринг ега-нидан сўнг шу ҳолга тушган.

— Банканинг қопқоғи бир оз кўтарилган, аммо, бодрингларнинг ранги ва мазаси ўз-гармаганди, — деди онаси ўзини оқлаб.

ТАЪМИ ЎЗГАРМАЙДИ, АММО...



Ботулизм ҳақида кўп га-пирилади. Шунга қарамай, бу касалликка уй бекалари-мизнинг ўзлари сабабчи бўлаётгилар...

— Ҳақиқатан ҳам, маҳсу-лотнинг ранги, таъми ўз-гармаган бўлса-да, киши касалликка чалиниши мум-кин, — дейди вилоят дав-лат санитария-эпидемио-логия назорати маркази бош шифокори в. б. На-бижон Жўраев. — Демак, уни тайёрлашда хатога йўл қўйилган. Унутмаслик ке-

раки, касаллик кўзгатувчиси узоқ вақт туп-роқда сақлана-ди. У сабзавот-ларга тупроқ орқали тушади. Банка ёпилган-да, яъни ҳаво йўқ жойда улар кўпайиб, ўзидан ниҳоятда кучли захар — экзо-токсин ишлаб

чиқаради. Захарланган маҳсулот сузда 5-6 соат қайнатилгандагина кучсиз-ланиши мумкин. Экзотоксин ошқозон ширасида парчаланмайди. У ичакдан сўрилиб ўтади ва марказий асаб тизими билан бирга бош миёни ҳам шикастлайди. Қараб-сизки, орадан 2-4 ёки 18-24 соат ўтар-ўтмас дар-монсизлик, бош оғриғи, кўнгил айнаши каби инток-сикация белгилари пайдо бўлади. Бундан ташқари,

ботулизм — кўрши қобилияти бузилиб, кўз қорачиғи кенгайишига, нарсаларнинг қўшалоқ кўриниши — диплопияга олиб келиши мумкин экан. Энг ёмони, юмшоқ танглай-ҳалқум фалажланиб, одам ютинолмай қоларкан.

— Овқатдан заҳарланиш-дан фарқли ўлароқ, тана ҳарорати кўтарилмаслиги, томирнинг тез уриши бу касалликка ҳосдир, — гапи-да давом этди Набижон ака. — Бироқ, вақтида ши-фокорга мурожаат қилин-маса, бемор нафас олол-май қолиши мумкин.

Маълумотларга кўра, ботулизм 60-70 фоиз ҳолатда ўлим билан тугай-ди. Шундай экан, тозалик, озодалик, тиббий гигиена ва консерва тайёрлаш қондаларига қатъий риоя қилайлик. Токи фарзандла-римиз, яқинларимиз сало-матлигига путур етмасин.

Ирода МАКСУДОВА.

Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан 31.10.2014 йилда "MEK SAVDO TEXNIKA" масъулияти чеклан-ган жамиятига берилган реестр рақами 4-237№474 бўлган Ер уйастаски ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ТО 0015001 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабаб-ли бекор қилинади.

ҒОЛИБЛАР ШАРАФИГА ВАТАН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Вилоятимиз спортчилари академик эшак эшиш бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшди. Таиландда ўтказилган қўшма биринчилигида Осиёнинг энг кучли эшак эшувчилари қаторида мамлакатимиз вакиллари ҳам ғолиблик учун куч синашди. Мусобақа якунига кўра, ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш, битта бронза, жами тўртта медалга сазовор бўлди.

Ифтихор

Вилоятимиз вакили Алишер Турдиев жамоадоши Сардор Тўлқинжоев билан бирга икки кишилик қайиқда 1500 метрга ўтказилган пойгада барча рақибларини ортда қолдириб, маррага биринчи етиб келди. Осиё чемпиони бўлган спортчиларимиз галабаси шарафига мамлакатимиз байроғи баланд

галабаларимиз орқали Ватанимиз шухратини ёётганимиздан, устозларимиз ва мухлисларимиз ишончини оқлаётганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди Осиё чемпиони Алишер Турдиев. — Бўлғуси мусобақаларда ҳам марра чизигини биринчи кесиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда, ҳар икки вакилимиз вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфидаги сув спорти турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида тарбияланганини ва мусобақаларга Бекободдаги машғулотлар базасида тайёргарлик кўрганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Таиланддаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Тоҳир Раҳматов ва Шаҳзод Насриддинов жуфтлиги кумуш медални қўлга киритди. Тўрт кишилик қайиқ пойғаларида Отамурод Раҳимов, Фаррух Остонов, Достон Бахриев ва Уктам Давронов ҳам иккинчи ўринни эгаллади.

Зоҳир **ТОШХЎҲАЕВ**,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Тошкент вилотилик яна бир спортчи — Шаҳбоз Холмирзаев индивидуал пойгада учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалга эга бўлди.

Реклама ҳуқуқи асосида



AGROBANK

«DUET» пластик карталардан фойдаланувчилар диққатига!

«Агробанк» замонавий онлайн пластик карталар тизимига тўлиқ ўтаётганини ҳамда «DUET» тизимида ишловчи пластик карталарга техник хизмат кўрсатиш муддати тугаётганини маълум қилади.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 1 октябрига қадар «DUET» пластик карта очилган банк филиалларига мурожаат қилган ҳолда ушбу пластик картани янги, замонавий «UzCard» тизимида ишловчи онлайн пластик картага бепул алмаштиришингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Муҳокама учун мавзу

Эрталабдан боғчага отланган Азизжоннинг дағдағаси етти маҳаллага эшитилди-ёв. Нима эмиш, аллақандай спиннер керакмиш. Набирасининг райини қайтаришни истамай, дўконга кирган Гулсара ая қуруқ қўл билан чиқди. "Э, топган ўйинчоқнинг курсин. Унинг пулига икки кило гўшт беради-ку, болам", дея фиғони фалакка кўтарилди аянинг.

НАРХИДАН НАФИ МУҲИМ

Ҳа, бу ўша. Сўнгги пайтда катта-ю кичикнинг қўлидан тушмай қолган ўйинчоқ. Қизиғи, уни 3-4 ёшли болалар ҳам зўр қизиқиш билан ўйнашапти. Хўш, спиннер ўзи нима? Ўйинчоқми? Ёки... Уни ким, нима мақсадда яратган?

Бир қарашда оддий ўйинчоққа ўхшайдиган спиннер айлана бошлаганида хавотирга тушасан, киши. Ахир, у ё қўлни, ё кўзини шикастлаши ҳеч гапмас. Унинг баҳоси 25 мингдан 100 минггача боради. Чет мамлакатларда эса бундан ҳам қимматроқ. Маълумотларга кўра, спиннерни даставвал кимё муҳандиси Кэтрин Хеттинген иختиро қилган.

Кетрин Исроилда сафарда бўлганида кичкина болаларнинг одамларга тош отаётганларини кўради. Шундан кейин унда болаларни тинчлантирувчи ўйинчоқ ясаш истаги пайдо бўлган экан. Шунингдек, аёл "The Guardian" нашрига берган интервьюсида "бу ўйинчоқнинг руҳий хаста бўлган қизи учун яратганини айтади".

Кетрин газета ва ленталардан ясалган ўйинчоқини турли кўргазмаларда намойиш қилади. Орадан фурсат ўтиб, унинг ихтиросига талабгорлар кўпаяди.

2014 йилга келиб, Скотт



Маккоскери ўйинчоқнинг металдан ясалган турини омамага тақдим этади. У ушбу ўйинчоқ киши ҳаяжонини назорат қилишга ёрдам беришни таъкидлайди. Бундан қарангки, 2017 йилнинг апрель ойидан спиннерга бўлган талаб кескин ортган. Норасмий маълумотларга кўра, ҳатто Хитойнинг кўзга кўринган уяли алоқа ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳам янги маҳсулот — спиннер тайёрлашни йўлга қўйган. Спиннерларга бўлган талабнинг ортishi турли баҳо-мунозараларга сабаб бўлган ҳам рост. Журналистлар унинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида гапирсалар, ўйинчоқ яратувчилари ва айрим шифокорлар ижобий томонлари ҳақида

бонг урдилар. Бир гуруҳ тадқиқотчилар эса бу ўйинчоқнинг фойдасидан кўра зарари, яъни у диққатини жамлаш ўрнига кишини чалғитади, деган фикрини билдирдилар. Бошқалари эса, спиннерлар аутизм билан касалланган, руҳий носоглом, ҳис-ҳаяжонини назорат қила олмайдиганлар учун яратилгани, стрессдан чиқарувчи хусусияти ҳам борлигини уқтирдилар.

— Аутизм, грекча "autos" сўзидан олинган бўлиб, "ўзим" деган маънони англатади, — дейди олий тоифали невропатолог Гулбаҳор Бойжонова. — Бу руҳиятнинг ўзига хос ҳолати. Бемор ташқи олам, яъни ён-атрофдагилар билан мулоқот қилишни истамайди. У ёлғизлиқни

ихтиёр этади. Ҳозирча, аутизмни даволайдиган восита ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун бундай беморлар билан ота-оналар, шифокор ва руҳшўнослар ҳамкорликда шуғулланса, уларнинг ҳолати ижобий томонга ўзгариши мумкин. Айтиш керакки, ушбу касалликка дучор бўлганлар диққатини жамлай олмайдилар. Спиннер аутистларнинг ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни ид-роқ этишлари учун ўйлаб топилган бўлиши мумкин. Бу қайсидир маънода уларга ёрдам беради.

— Дарҳақиқат, янги ўйинчоқ ёшларимизда катта қизиқиш уйғотади, — дейди Психологлар Ассоциацияси пойтахт ва Тошкент вилоти бўлими раҳбари Шоира Исоқова. — Унинг бемор болаларга фойдаси тегарку-я, бироқ... Чунки, соғлом одам ўзини ўзи тинчлантира олади. Уни ҳамма бирдек ўйнашни изохлаш жуда мушкул. Шундай экан, нега спиннерлар савдоси фақат унга эҳтиёжмандлар учун эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб кенг йўлга қўйилди. Ёки уни руҳий хасталар қаторида соғлом болалар ҳам ўйнаса бўладими? Балки у барчани бирдек тинчлантираётми?

Юқоридagi мавзу ҳақида қанча гапирмайлик фикрлар, қарашлар, мулоҳазалар турлилигича қолаверди. Шунчаки, биз, катталар фарзандларимизга ўйинчоқ харид қилаётганда унинг нархидан кўра, болага келтирадиган нафи хусусида ўйласак, тўғри бўлади.

Ирода **НОРБОВЕВА**,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Ўҳаёт сабоқлари



Йигирманчи аср бошларида шотландиялик бир фермер ўрмон ичидаги ботқоқлик бўйлаб уйга қайтаётган эди. Тўсатдан: "Ёрдам беринглар", деган қичириқни эшитиб, ўша томонга бурилди ва ботқоқ ичида жонхалатда типирчилаётган йигитчага қўзи тушди. Йигит ботқоқдан чиқишга уринар, лекин талпингани сари ботқоқ уни баттар қомига тортарди. Фермер, дарҳол, ботқоқ четидан ўсган дархтнинг бакуват шохини кесиб олиб бир учини қўқайтган йигитга узатди. Йигитча унинг ёрдамида хавфсиз жойга қичиб олгач ҳам узок вақт кўзёшини тўхта-толмади. У жуда кўрқиб кетган эди.

— Бизникига борамиз! — деди фермер. — Сен кийимларингни қуриб, иси-ниб, ўзингга келиб олишинг керак.

— Йўқ, йўқ, мени уйда дадам кутаяпти, тезроқ бормасам, хавотирланади, — йигит ўз халоскорига миннатдор нигоҳ билан бир қараб қўйди-да, юрганча кўздан ғойиб бўлди.

Эрталаб фермер эшиги олдида чиройли учкур тулпор қўшилган, ҳашаматли фойтун келиб тўхтади. Фойтундан башанг кийинган жаноб тушди ва сўради:

— Кеча мени ўғлимни ўлим чангалидан кутарган сизми?

— Ҳа, мен, — жавоб берди фермер.

— Бу олижаноблигингиз учун сизга қанча тўлашим керак?

— Мени хафа қилманг жаноб, сиз мендан қарздор эмассиз. Мен ҳар бир виждонли инсон қилиши керак бўлган ишни қилдим, холос.

— Йўқ, — деди қатъий оҳангда меҳмон. — Мен ўғлимнинг халоскорини тақдирлашим шарт. Чунки,

ўғлим мен учун жудаям қадри, сиз хоҳлаган нарх-ни айтинг, тўлайман.

— Мен бу ҳақида бошқа гапиришни хоҳламайман. Саломат бўлинг! — фермер шундай деб уйи томон бурилиб кета бошлади. Шу пайт муолишдан бир ўсмир қичиб қолди.

— Бу сизнинг ўғлингизми? — сўради жаноб.

— Ҳа, менинг ўғлим, — деди гурур билан фермер ва ўғлининг бошини силаб қўйди.

— Унда бундай қиламиз. Мен ўғлингизни Лондонга олиб кетаман ва ўқини учун пул тўлайман. Агар у ҳам худди отаси каби савхатпеша инсон бўлиб етишса, сиз ҳам, мен ҳам бу қарордан афсусланмаймиз.

Орадан йиллар ўтди.

Фермернинг ўғли аввал мактабда, кейин тиббиёт олийгоҳида ўқиди ва инсон соғлиғи учун жуда зарур бўлган пенициллин кашфиётичи — Александр Флеминг бўлиб танилди... Уруш арафасида Лондондаги энг бой клиникалардан бирига ўпка зотил-

жами билан огриган беморни — юқорида биз тилга олган танти жанобнинг ўғлини олиб келишди. Сиз нима деб ўйлайсиз, бу сафар унинг ҳаётини нима сақлаб қолди? Шубҳасиз, Александр Флеминг томонидан яратилган пенициллин!

Флемингнинг олий таълим олишига ёрдам берган ўша бой жанобнинг исми Рандольф Черчилль, унинг ўғлининг исми эса — Уинстон Черчилль бўлиб — кейинчалик у Англия бош вазири лавозимида ишлаган.

Уинстон Черчилль шундай деган эди: "Кимки бировга яхшилик қилса, бу яхшилик албатта, бир кун келиб ўзига қайтади".

Рус тилидан **МУҲАББАТ ҲАМИДОВА** таржимаси.

ТУЙҒУЛАР ПАРВОЗИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида истиқлол байрами муносабати билан "Мустақилликни мадҳ этиб" мавзусида тасвирий санъат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма

Танлов асосида ўтказилган ушбу кўргазмада тасвирий санъатнинг турли йўналишлари бўйича 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган юзга яқин ёшларнинг ижодий ишлари ўрин олган.

Намойиш этилган ижод намуналарида йил фаслларида мамлакатимиз гўзал табиятининг турли кўринишлари, гуллари, мевалари, кундалик ҳаётимиздан, ёши улуглар ва ёшлар ҳаётидан лавҳалар, тарихий шайларимизнинг меъморий ёдгорликлари, замонавий бинолар, замондошлар портретлари, ҳаёт фалсафаси акс этган.

Экспозицияда, шунингдек, Тошкент вилоти-нинг хушманзара худудлари акс этган "Чорбоғ киши", "Кечқурунги Чорбоғ", "Сўқоқда баҳор", "Сўқоқда ёз", "Сижжақ", "Сижжақда баҳор", "Сижжақда ёз", "Оқтош", "Хумсон", "Хумсон. Угом", "Товоқсой", "Ҳожикент", "Олмалиқ йўли", "Тошкент сари йўл" каби ишлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар санъат мухлисларини бефарқ қолдирмайдилар.

Кўргазма якунида ҳайъат аъзолари аниқлаган танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Кўргазма иштирокчилари эса сертификатлар билан тақдирландилар. Биринчи ўрин ғолибларининг ижод намуналарини жамлаб, шахсий кўргазмаларини ўтказишга қарор қилинди.

Ҳасан **АБДУНАЗАРОВ**.



**ОБ-ХАВО
МАЪЛУМОТИ**
Республика

Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 16 сентябрь кун Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 13-15, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилотида ҳаво бир оз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 10-15, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

КўП МЕҲНАТ ҚИЛИШ ХАВФЛИ ЭМАС

Кўп меҳнат қилувчилар турли касалликларга мойил бўлади, деган фикрлар бор. Лекин ақиндагина ўтказилган тадқиқот аслида бундай эмаслигини кўрсатди.

Ўз ишини севадиган одамлар кўп меҳнат қилишса ҳам, бу салбий оқибатларга олиб келмайди. Тадқиқотчилар йирик бир компанияда ишловчи 1 минг 277 нафар ходимнинг маълумотларини таҳлил қилишди.

763 нафар кўнгилли иштирокчи тиббий қўриқдан ўтказилди. Олимлар қатнашчиларнинг меҳнатқилиши, иш вақти, соғлиғи, хотиржамлиги ва иш тақсими-ни баҳолади. Диабет ва юрак-

қон томир касалликларининг ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар ўрганилди.

Тадқиқотчилар иш вақтидан ташқари меҳнатлар стресс, бош оғриғи ёки ошқозон фаолияти бузилишига сабаб бўлмаслигини аниқлади. Бу симптомлар диабет ва юрак-қон томир касалликларининг хавфини оширади. Ишга юракдан ёндошадиган одамларда эса хавф кўрсаткичи ортамади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилоти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaiqat@umail.uz	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва ўзлонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусаввир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ
--	---	---	---	--	--	--